

обдсц

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ



ҚАРАҚАЛПАҚСТАН
РЕСПУБЛИКАСИ
МИНИСТРЛАР КЕҢЕСИНИНГ
ҚАРАРЫ

Нукус шаҳри

Ноқис қаласы

№ 227

« 14 », апрель 2017 й.ж

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва турмуш даражасини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2017 йил 11 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги берилган топшириғига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва турмуш даражасини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга ошириш бўйича Ишчи гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш юзасидан йўл харитаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва турмуш даражасини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш **Тартиби** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва турмуш даражасини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга ошириш бўйича ташкил этилган ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус штаб таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари, махсус штаб раҳбари ўринбосарлари белгиланган муддатларда ўзлари раҳбарлик қилувчи комплексларига тегишлилиги бўйича ишчи гуруҳ томонидан олиб борилган ишларнинг маълумотларини умумлаштиришган ҳолда махсус штаб котибига тақдим этиб борсинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши комплекс раҳбарлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар Ишчи гуруҳ раҳбарлари билан биргаликда мазкур йўл харитада белгиланган топшириқларнинг ўз муддатида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қуйилсин.

6. Ишчи гуруҳ аъзолари тасдиқланган тартиб асосида иш олиб боришида шахсий масъулият ҳис этган ҳолда фаолият олиб борсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси

Қ. Сариев

